



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 26 август, № 168 (4831)

Чоршанба

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 25 август куни Сурхондарё вилоятида бўлди.



Ўртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, замонавий корхоналар, кенг ва раво йўллар, таълим ва тиббиёт муассасалари, боғ ва хиёбонлар бунёд этилаётди.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи ярмида янги худудий маҳсулот ўсиши 9,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда ҳам барқарор ўсиш таъминланди.

Истиқлол шарофати билан Сурхондарё мамлакатимизнинг саноати ривожланган вилоятларидан бирига айланди. Маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажми ошмоқда. Саноат корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш давом этаётди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Президентимиз ташаббуси билан қарб қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ, воҳадаги экспорт қилувчи корхоналарнинг қўллаб-қувватланаётгани уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омили бўлмоқда.

Вилоятда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2007-2010 йилларда умумий фойдаланишда бўлган автомобил йўлларини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши бугунги кунда ишончли транспорт алоқасини таъминлаётди.

2007 йилда куриб битказилган "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли линияси бу борада амалга оширилган улкан ишларнинг ёрқин намунасидир. Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами арафасида, ушбу темир йўлда муҳим янгилик рўй берди — йўловчи поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Президентимиз дастлаб Термиз давлат университетининг янги бунёд этилган асосий биносига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мазкур олий ўқув юртида янги ўқув биносига тамал тоши қўйилган. Муҳташам бинони бош пудратчи "Сантехгаз-монтаж" хусусий корхонаси қурувчилари қисқа вақт ичида бунёд этиб, энг улуг, энг азиз байрамимизнинг 18 йиллигига муносиб совға ҳозирлади.

Ўртбошимиз бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, талаба ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароит билан танишди. Университет ўқитувчилари, талаба-ёшлар билан суҳбатлашди.

Сурхон воҳасининг ёшлари ҳам ҳеч қандам кам эмас. Улар ўз имкониятларини тўла рўйга чиқариши учун барча шароитларни яратиб зарур, — деди Ислон Каримов. — XXI аср — интеллектуал аср. Кимки юксак марраларга эришмоқчи бўлса, қайси бир давлат тараққиёт этиб, халқаро майдонда кенг эътироф қозонмоқчи бўлса, аввало, ўзининг интеллектуал салоҳиятини ишга солиши ва юксалтириши керак. Халқимизда азалдан илмий тафаккур, кенг дунёқараш, маънавий қомиллик юксак даражада бўлган. Соҳибқирон бобомиз, кучли бирни, илми мингни енгади, деб бежиз айтмаган.

Термиз давлат университетининг ўн факультетида 30 таълим йўналиши бўйича 7 минг 866 нафар талаба таълим олади. Уларга 506 нафар профессор-ўқитувчи сабоқ беради. Бу йил ушбу олий таълим муассасасини 1 минг 862 талаба битирди.

Университетда учта талабалар тураржойи, санаторий-профилакторий, ахборот-ресурс маркази, компьютер ва тил ўргатиш марказлари фаолият юритмоқда.

Археология, этнография

каби йўналишларда ҳам таълим бериладиган ушбу олий ўқув юрти, Президентимиз таъбири билан айтганда, ўз мазмун-моҳияти билан ноёб университет саналади. Янги бино гоёта муҳташам, ўқув жиҳозлари ва таълим жараёнида фойдаланиладиган энг замонавий техник воситалар билан тўла жиҳозланган. Бундай бунёдкорлик ишлари ёшларни янги марралар сари ундаши алоҳида қайд этилди.

Пухта билим ва юксак салоҳиятга эга, жисмоний ва маънавий соғлом инсонда гуруру ва ифтихор баланд бўлади, — деди Президентимиз. — Ўзбекистон ёшлари айнан ана шундай. Улар жамиятимизнинг таянчи ва суянчи бўлиши, истиқболда халқ қилувчи қучига айланиши керак.

Ислон Каримов Сурхондарё воҳаси бой археологик ва этнографик манба эканини таъкидлаб, бу икки соҳани халқаро миқёсда тарғиб этиш мақсада тарғиб этиш мақсада мувофиқ эканини қайд этди.

Ўртбошимиз Ҳақим Термизий меъморий маҳмуни зиярат қилди. Мамлакатимизда барча жабҳалар қатори маънавий таърифи соҳасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Тарихий обида ва буюк аждодларимиз қадамжолари ободонлаштирилмоқда. Уларнинг бой маданий мероси чуқур ўрганилмоқда.

Буюк аллома Ҳақим Термизий хоки абадий қўни тоған мейморий мажмуа IX аср охири — X аср бошларида барпо этилган. Аллома ислом маданияти тараққиётга улкан ҳисса қўшган. Олимнинг илмий ва маънавий мероси чуқур ўрганилмоқда. Истиқлол йилларида мажмуа тўлиқ таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Зияратчилар учун барча шароит яратилди. Бу ерда барпо этилган "Мерос" музейи ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва аъналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётди.

Мамлакатимиз раҳбари мажмуанинг маданий ва маънавий аҳамияти нечоғли катта экани ҳақида сўзлар экан, унинг атрофини ободонлаштириш, ташқи қиёфасини янада кўркамлаштириш учун Сурхондарё иқлимга мос дарахтлар ўтказиш, кўкаламзорлаштириш борасида зарур тавасиялар берди.

Давлатимиз раҳбари Термиз туманидаги "Асадбек Давлатов" фермер хўжалиги даладарига ташриф буюриб, фермерлар билан мулоқотда бўлди.

Мазкур фермер хўжалиги жорий йилда 31,8 гектар майдонда галла парваришлаб, ҳар гектар майдондан 72,6 центнердан хирмон кўтарди. Айни кунларда 47,7 гектар майдонда "Наманган-77" навли гўза парваришланмоқда.

Пахтачиликда август ойи ҳосил тақдирини ҳал қилувчи палла ҳисобланади, бунга тажрибали миришкорларимиз яхши билишади, — деди Ислон Каримов. — Қўқлам сергегин келгани пахтакорларимизга бирмунча қийинчиликлар келтирган бўлсада, улар ўз маҳорати ва меҳнати билан барча қийинчиликларни енгиб, мўлжалдаги ҳосилни тўламоқдалар. Галдаги муҳим вазифа этиштирилган ҳосилни вақтида йиғиб-териб олишдан иборат.

Ўртбошимиз мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади. Фермерлар мамлакат равнақи, хусусан, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи қучга айланди.

Фермер нафақат дехқон, балки иқтисодчи, менежер, агроном, саноатчи бўлиши лозим, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бугуннинг талаби — шу, Фермер ўзи этиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоққа саноатни олиб кириши ва аҳоли фаровонлигини оширишга,

ёшларни иш билан таъминлашга ўзининг фаол ҳиссасини қўшиши лозим.

Президентимиз "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил бажариш қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишда, қишлоқларни обод этишда, қишлоққа саноатни олиб киришда, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, замонавий уйлар, янги йўллар, сув, газ ва электр тармоқлари, инфратузилманинг бошқа иншоотларини барпо этиш одамларнинг онгу шуурини, дунёқарашини, ҳаётга муносабатини ўзгартиради, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди, — деди Ўртбошимиз.

Мазкур Давлат дастурига мувофиқ, вилоят қишлоқларида замонавий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқларда 19,1 километр табиий газ, 139,6 километр тоза ичимлик суви қувурлари ётқизилди. 328,4 минг квадрат метр уй-жой қурилди.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигини нишонлаётган юртдошларимиз юз бераётган улкан ангиланишлар, бетимсол бунёдкорлик ишлари, турмушимиз фаровонлиги Истиқлол тўғрисида эканини теран англайдилар. Сурхондарё вилоятида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари ҳам бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Анвар БОБОЕВ,
Ҳолмўмин
МАМАТРАЙИМОВ,
Ўза МАХСУС МУҲБИРЛАРИ,
Муҳаммад АМИН
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Иброгимов Комил — «Навоий иссиқлик электр станцияси» очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш техника бўлими смена бошлиғи, Навоий вилояти

Нарзиев Тўра Икромович — «Аму-Бухороканалқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли 4-кўчма механизациялашган жамланма экскаваторчиси, Бухоро вилояти


Туйчиев Алим Исмаилович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг электрда пўлат эритиш цехи эритувчиси, Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 25 август



Иброгимов Комил



Нарзиев Тўра
Икромович



Туйчиев Алим
Исмаилович

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҶАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсидаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишга қўшган салмоқли ҳиссаси, бетақрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси санъат ароби»

Абдурахимова Феруза Равшановна — «Сўғдиёна» ўзбек халқ чолғулари давлат камер оркестри бадий раҳбари
Назиров Хуршид Абдуллаевич — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрчи рессом

«Ўзбекистон Республикаси фан ароби»

Ширинов Темир — Самарқанд давлат университети ректори

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

Бекчанова Меҳрижон Фуломовна — Мухимий номидаги ўзбек давлат муслиқати театри актриси
Ражабов Авазхон Акбарович — Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри опера солисти

«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»

Раҳимов Абдимурот Абдиевич — Қашқадарё вилояти Деҳқонobod туман маданият уйи раҳбари, Баҳди

«Ўзбекистон Республикаси халқ рессоми»

Аскарлов Аъзамхўжа Исмаилович — Ўзбекистон Бадий академияси махсус жамғар-

маси раиси, бадий кулолчилик ва шиша бўйича рессом

«Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»

Ганиев Хусан Ваҳобович — «Устозода» халқ санъати усталари корхонаси ёғоч ўймакор устаси

«Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофиси»

Нийзов Соибжон Наврўзович — Бадий жамоалар ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли хонандаси
Сафаров Орол Абдуманнонович — Тошкент давлат маданият институти катта ўқитувчиси, ҳофиз

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

Абдулакова Матлуба Абдуллаевна — «Офарин» замонавий рақс театри балетмейстери
Жданов Дмитрий Юрьевич — Академик ва халқ бадий жамоалари дирекцияси давлат хор капелласи бадий раҳбари ва бош дирижёр
Исмияминова Дилноза Мирзатиллаевна — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Кунназаров Султан Шнибаевич — «Айқулаш жулдизлари» қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли балет артисти
Мадаминов Қобилжон — Андижон вилоят ёшлар театри актриси
Мироилова Қаноатхон — Сурхондарё вилоят муслиқати драма театри актриси
Раҳимов Санжар Мираҳмедович (Сардор Раҳимхон) — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Турғунов Тохир Мирҳосимович — Бадий жамоалар ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли созандаси
Усмонова Шаодат Исомиддиновна — Самарқанд вилоят кўғирчоқ театри актриси
Хайриддинова Сайёра Мирсоатовна — Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри опера солисти
Цой Зоя Николаевна — Республика муслиқ коллежи ўқитувчиси, эстрада хонандаси

(Давоми 2-бетда).

САМИИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
Жаноби Олийларига**

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!
Мен гоят мамнуният ила Мустақиллик кунининг байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг энг самимий тилаклариمنى ҳамда Ўзбекистон халқига келгусида фаровонлик ва бахт-саодат йўлида қоламан.

Буюк Британия Қиролчаси
ЕЛИЗАВЕТА II Жаноби Олийларига

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатух,
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунининг муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва энг эзгу тилакларини йўлладим ва бағоят мамнунман.
Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса давомий тараққиёт ва раванқ тилайман.
Эҳтиром ила,

**Икки муқаддас масжид ходими,
Саудия Арабистони Подшоҳи
Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол САУД.**

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатух,
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунининг муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларинини йўлладим мамнунман.
Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилайман.
Эҳтиром ила,

**Саудия Арабистони Валиаҳди,
Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари,
Мудоффа ва авиация вазирининг
Бош Назоратчи
Султон бин Абдулазиз Ол САУД.**

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
Жаноби Олийларига**

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич!
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунининг байрами муносабати билан Сизга ва Сиз орқали бутун қардош ўзбек халқига ўз табрикларини йўллайман.
Сизга самимий ила доимо мустақам соғлиқ ва ҳаётий жўшқинлик ҳамда масъулиятли давлат фаолиятининг муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса янада тараққиёт ва раванқ тилаб қоламан.
Чўқур ҳурмат ва эҳтиром билан,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркменистон Президенти.**

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
Жаноби Олийларига**

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич,
Беларусь халқи ва шахсан ўз номидан Сизни ва Ўзбекистон Республикаси халқини миллий байрам — Мустақиллик кунининг билан қалбдан муборақбод этаман.
Давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳурмат ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган қўл томонлама муносабатлар бундан буён ҳам янада мустақамлашни ва ривожланишига ишончим комил.
Сизга, мухтарам Ислам Абдуғаниевич, чин қалбимдан мустақам соғлиқ ва янада унумли давлат фаолияти, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва раванқ тилаб қоламан.
Эҳтиром билан,

**Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти.**

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
Жаноби Олийларига**

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич,
Ўзбекистон Республикасининг бош миллий байрами — Мустақиллик кунининг муносабати билан самимий табригимни қабул этгайсиз.
Биз дўстлик ришталарини юксак даражада қадраймиз ва мамлакатимиз учун машаққатли дамларда Сиз кўрсатган ёрдамини ҳеч қачон унутмаймиз. Мустақам пойдеворга эга бўлган ҳамда халқларимиз ўртасида аёнанавий дўстлик ва қардошлиқ алоқаларига таянган Грузия — Ўзбекистон муносабатлари Грузия ва Ўзбекистон Республикаси раванқи йўлида янада мустақамлашни ва ривожланишига ишончим комил.
Фурсатдан фойдаланиб, Сизни яна бир кўтлуг сана — Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрига асос солинганига 2200 йил тўлиши муносабати билан ҳам самимий қутламоқчиман.
Сиз билан тез орада учрашишга ва ўшбу мулоқот чоғида биргаликдаги саноат-хўжалиқлик ишлари бўлиб ўтган ўртасидаги муносабатларимизни янада мустақамлашни янги босқичга олиб чиқамиз, деб умид қиламан.
Сизга, ҳурматли Ислам Абдуғаниевич, чин дилдан мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва олий давлат лавозимидаги фаолиятинингизда улкан муваффақиятлар, биродар ўзбек халқига эса, фаровонлик ва раванқ тилайман.
Эҳтиром ила,

**Михаил СААКАШВИЛИ,
Грузия Президенти.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҶАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

**«Ўзбекистон
Республикасида
хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси»**

Колемасов Алексей Николаевич — Республика Олимпия захиралари коллежининг мураббий-ўқитувчиси

**«Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган журналист»**

Кузметова Хулқар Ёрбековна — «Маърифат» газетаси бўлим муҳаррири

Тошбоев Олим Шоймирович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телеканални ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири

**«Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган
маданият ходими»**

Одиллов Жаҳонбек Жўраевич — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи бош раҳбари

Азизов Аъзамжон — Қўқон шаҳар муслиқари драма театри саҳналаштирувчи режиссёри ва рассоми

Жамолова Дилдора Абдуваҳобовна — В. Успенский номидаги республика махсус musiqa академик лицейи директори

Забирова Фатима Галимовна — Гулистон шаҳар Қўзи оҳизлар маданият уйи директори

Мадраҳимов Алишер Арслоневич — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телеканални «Муслиқий дастурлар» студияси режиссёри

Маҳмудов Мансур Мансурович — «Ўзбекфильм» киностудияси мультфильмлар постановкачи режиссёри

**«Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган соғлиқни
сақлаш ходими»**

Маркелов Владимир Федорович — Навоий вилояти, Навоий шаҳар тери касалликлари диспансери бош врач

Нажимиддинова Дилбар Қамариддиновна — Тошкент тиббиёт академияси илмий ишлар бўйича проректори

Йўлдошев Фуркат Абдисодиқович — Республика шойлиқ тиббий ёрдам илмий маркази анестезиология-реанимация бўлими катта илмий ходими

**«Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган спорт
устози»**

Лебедь Петр Леонидович — Теннис бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси катта мураббийи

Ўбайдуллаев Аҳмаджон Иноятovich — Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи

**«Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган спортчи»**

Эргашев Акмал Анварович — Тазквондо ВТФ бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Нестеров Игнатий Михайлович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«Фидокорона
хизматлари учун»
ордени билан**

Салимов Олимжон — Республика ёш томошабинлар театри бадий раҳбари

**«Меҳнат шухрати»
ордени билан**

Абдуллаев Абдураҳул Мўминович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телеканални перспектив телелойҳалар студияси катта муҳаррири

Албархўжаев Аҳбор Ақмалович — «Ўзбекфильм» киностудияси режиссёри

Бердиев Камол Узоқович — Самарқанд вилояти Пастдаргом туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

Зарипова Рўза — Хоразм вилояти онкология диспансери врач-химioterapevти

Зиёдова Дилбар Абдураҳмоновна — «Ўзбекфильм» студияси бадий фильмлар ва телесериаллар ижодий ишлаб чиқариш бўлими мудири

Исомнов Маҳмуд Хўсанович — Ўзбек миллий академик драма театрининг актёри

Қаймова Мукаррам — Наманган вилояти болалар сил касалликлари санаторияси ҳамшираси

Луқонов Вохид Жабибуллаевич — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг маҳаллий ахборот таҳририяти бош муҳаррири

Содиқова Маъмура Ганиевна — ЎзФА «Фан» нашриёти етакчи муҳаррири

Саримсоқов Абдушўқур Абдухалилович — ЎзФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Сиров Владимир Николаевич — ЎзФА Усимлик моддалари кимёси институти лаборатория мудири

Тургунова Мавлуда Тожиевна — Андижон вилояти, Жалолқудўқ агроаноат касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Уватов Ўбайдулла — Имом Бухорий халқаро маркази директори

Ҳакимов Олимжон Эсонович — Олтиариқ тумани ҳокимлигининг «Давр овози» газетаси муҳаррири

Хамдамов Пўлат — «Народное слово» газетасининг Наманган вилояти бўйича махсус муҳбири

Шоназаров Эркинжон — Сирдарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази оториноларингология (ЛОР) бўлими мудири

Қудратов Фаҳур Очилович — Бухоро вилояти Жондор туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси

**II даражали
«Соғлом авлод учун»
ордени билан**

Асатова Муяссар — Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси педиатри

Наврўзова Шакар Истамовна — Бухоро давлат тиббиёт институти «Болалар касалликлари ва неонатология» кафедраси мудири

Сапариязова Рамиза Толибаевна — Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзақ тумани «Қораўзақ» қишлоқ врачлик пункти мудираси

Ҳолмуродов Музаффар — Самарқанд вилояти, Нарпай туман марказий шифохонаси болалар бўлими мудири

Юсупова Маҳбуба Турсуновна — Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги 5-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустақамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ҳолатини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шўҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«Дўстлик»
ордени билан**

Абляева Решиде Решатовна — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Бобоҳонова Дилбар Йўлдошевна — «Uzbekistan Today» газетаси муҳбири

Вишинская Елена Викторовна — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби концерт-режиссёри

Зарипова Карима Фахриддиновна — Республика эстрада-цирк коллежи директори

Зойиров Илҳом Бафоевич — Фаҳур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири

Каримбобоева Шаҳноза Усмоновна — Тошкент фотосуратлар уйи директори

Мухамедов Неъматулло Асатуллаевич — Тошкент ислом университети «Диншунослик ва ҳикмат динлари» катта илмий ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси мудири

Наримбетов Бахит Жанабаевич — ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими раисининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Рекк Мария Григорьевна — Ўзбекистон Республикаси «Видергебурт» немис миллий маданий маркази раиси

Сатимов Фаҳуржон — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети «Инглиз тили грамматикаси ва тарихи» кафедраси профессори

Тоқалбаева Нина Егоровна — Тошкент шаҳар 3-сонли маданият уйи раҳбари

Тошев Исмоил Эргашевич — Қашқадарё вилояти, Касби туманидаги 14-болалар musiqa ва санъат мактаби директори

**«Шухрат»
медали билан**

Абдуллаева Зайнаб Отабековна — «Ичан-қалъа» давлат музейи-қўриқхонаси илмий ходими

Абдураҳмонова Мукаррам Исҳоқовна — Республика иқтисослаштирилган кўз микрохирургия маркази микрохирургия бўлими катта ҳамшираси

Ақбаров Баҳром Ҳасанович — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи етакчи муҳаррири

Ақбаров Файрат Қосимович — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 2-болалар musiqa ва санъат мактаби директори

Акрамова Феруза Ақмаловна — Тошкент давлат иқтисодий университети «Педагогика ва психология» кафедраси доценти

Ахророва Соҳиджа Халиловна — Ўзбекистон кинесанъати музейи фонди бўлими бошлиғи

Бобоқуллова Латофатжон Абулхаевна — «Овози тоҳик» газетасининг ҳарф терувчи оператори

Григорин Ареват Эдуардовна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканали «Давр» ахборот дастури муҳарририяти катта муҳаррири, бошловчи

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 25 август

Зойрова Зура Наимовна — Тошкент шаҳар Яққасарой энгил саноат касб-хўнара коллежи директори ўринбосари

Изентаев Жариканган Жоллибаевич — Ўзбекистон Бадий академияси Бадий кўргазмалар дирекцияси бош директори, рангтавсирчи рассом

Имонгулова Лола Хошимовна — Жиззаҳ вилояти, Зарбдор туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Мардонақуллова Сайёҳон Мелиқўзиевна — Фарғона вилояти, Данғара қишлоқ ҳўжалиги касб-хўнара коллежининг француз тили фани ўқитувчиси

Мирзаева Гулнора Акрамовна — Навоий вилояти Навбахор туман марказий маданият уйи директори

Мухаммадҷонова Феруза Ҳотамҷонова — Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Тошкент» телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири

Норжигитова Бахрисно Эгамқул қизи — «Гулистон ҳаёти» газетаси муҳаррири

Нишонов Ҳасан Маҳмадаринович — «Ишон» ва «Ишон-Доворие» газеталари адабий котиби

Пардаев Турдали Эргашевич — Ангрэн шаҳар Алишер Навоий номидаги маданият маркази ижодий бўлими услубчиси

Раҳимова Диловар Бақоевна — Бухоро вилояти, Шофиркон туман тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси

Свечникова Анастасия Владимировна — Энгл атлетика бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси

Сейтмуратова Қаллигуль — Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус мелиорация ва сув ҳўжалиги касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Султонова Муборақон Абдураҳмоновна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг Тошкент радиозиттириш уйи оператори

Тожибоев Хўрид Эргашевич — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Тўраева Раъно Абдихалиловна — Қашқадарё вилояти, Фўзор туман тиббиёт бирлашмаси «Савбоғ» қишлоқ врачлик пункти мудираси

Турсунов Қаҳрамон Ражабович — Тошкент тиббиёт академияси ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти

Файзуллаев Саидбахром — Жиззаҳ вилояти халқ ижодийети ва маданият-маърифий ишлар илмий услубчи маркази бўлим мудири

Ҳафизов Илдар Шавақатович — Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Цой Борис — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муваалаш цехи машинисти

Чашиев Мансурбек Холбоевич — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Шамсиева Сайёра Мамадалиевна — Наманган вилояти ўлкани ўрганиш музейи услубий бўлими мудири

Шекерова Мария Александровна — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Эсонова Гулҷехра Эсоновна — Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейининг математика фани ўқитувчиси

Йўлибоева Холува Жўраевна — Самарқанд вилояти, Қўшрабат тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси жарроҳлик бўлими ҳамшираси

Юнусова Зулфия Носировна — Ўзбекистон Республикаси Мудоффа вазирлиги «Ватанпарвар» газетаси муҳбири

Юнусова Соҳиббахон Расулжоновна — Жиззаҳ вилояти, Мирзақўл туман тиббиёт бирлашмаси «Ипак йўли» қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт врач

Қўйнов Маъмуржон Умирзоқович — «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси бўлим мудири

Қурбонов Зоир Тоҳирович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканали директорининг биринчи ўринбосари

И. КАРИМОВ

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. У Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан парламент қуй палатасига киритилган «Қишлоқ ва сув ҳўжалигида иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади.

Маълумки, мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Давлати-миз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ва ҳўкумати-миз томонидан амалга оширилган ислохотлар мазкур соҳа ривожига муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Шу маънода, ҳозирда собиқ ширкатлар ва давлат ҳўжалиқлари ўрнига фермер ҳўжалиқлари, деҳқон ҳўжалиқлари, ҳўсусли мулкчиликка асосланган бошқа турдаги қишлоқ ҳўжалиги корхоналари вужудга келди. Ана шу ўзгаришлар туфайли

қишлоқда ҳўқуқий, ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлари тубдан ўзгарди. Бу эса, айтиш жоизки, 2009 йилининг Президентимиз томонидан «Қи



Бугун мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори жадал ривожланмоқда. Ушбу соҳа иштирокчилари кўпаяётгани ҳам айтиш мумкин. Албатта, бунда кўпгина йирик ва етакчи корхоналар акцияларининг муомаласига чиқарилиши, уларнинг фонд ҳамда инвестиция бозорларида жойлаштирилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, бу узоқ муддатли инвестиция маблағлари жалб қилинишига ҳам туртки берапти.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётида муҳим ўрин тутади

Фонд бозори таҳлиллари шунинг кўрсатишича, бирламчи ҳамда иккитанламчи бозорлардаги қимматли қоғозлар билан савдо айланмаси 2007 йилда 400 млрд. сўмини ташкил этган бўлса, эндиликда бу рақам муттасил кўпайиб бормоқда. Умуман, мамлакатимизда қимматли қоғозлар жами чиқариливи ҳақми 4,2 триллион сўмликдан ошади. Шундай экан, имкониётдан оқилона фойдаланиш, унинг ҳуқуқий асосларини кенгайтиришнинг аҳамияти беқиёсдир. Шу боисдан давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг миқёсдаги чоралар кўриляпти.

Хусусан, ўтган йили «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кириши билан қимматли қоғозлар бозорининг барқарор ривожланиши учун зарур ҳуқуқий имкониятлар яратилди. Чунки мазкур Қонун билан амалдаги 4 та қонуннинг — «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолияти тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар меъёрлари ягона ва мукамал ҳужжат ҳолига келтирилди. Зеро, мамлакатимизда амалда оширилган узуқлиқ ва кенг қамровли иқтисодий ислохотларнинг турли bosқичларида қабул қилинган ва амалиётга киритилган ушбу ҳужжатлар ўша давр

нинг хусусиятлари, талаб ва шартларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Қолаверса, қонунлар меъёрларининг тарқоқлиги, ҳаволали ва бир-бирини тақдорлаш акциядорлар, қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари, давлат органлари томонидан уларни тал-

фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 170-моддаси биринчи қисмига ва 171-моддасига тегишли ўзгаришлар киритилмоқда.

Қонунда «инвестиция институтлари» деган тушунча ўрнига ҳозирги талабларга жавоб берадиган «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» тушунчаси қўлланилганлиги муносабати билан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27, 41, 61, 114, 117-моддалари матнидаги сўзлар тегишлича алмаштирилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Қарорига, шунингдек, Солиқ кодексига ўзгаришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Маълумки, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда қимматли қоғозлар бозорининг профессионал фаолият олиб борувчилар қаторида янги — «инвестиция активларини ишончли бошқарувчи» атамаси қўлланилган. Шу туфайли «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасидаги «бошқарув компаниялари» деган сўзлар «инвестиция активларини ишончли бошқарувчилари» деган сўзлар билан алмаштирилмоқда. Бу Солиқ кодексига ҳам ўз аксини топмоқда.

Қонуннинг 62-моддаси 1-бандига мувофиқ, «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Аудиторлик

публикаси Қонуни ўз кучини йўқотган, деб топилган. Шу сабабли «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасининг учинчи қисмидаги «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида» деган сўзлар «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилмоқда. Бир хилликни таъминлаш учун эса 8-модданинг бешинчи қисмидаги «ва мувофиқлаштириш» деган сўзлар чиқариб ташланмоқда.

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи» деган тушунча қўлланилган 50-моддасига мувофиқ, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 170-моддаси биринчи қисмига ва 171-моддасига тегишли ўзгаришлар киритилмоқда.

Қонунда «инвестиция институтлари» деган тушунча ўрнига ҳозирги талабларга жавоб берадиган «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» тушунчаси қўлланилганлиги муносабати билан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27, 41, 61, 114, 117-моддалари матнидаги сўзлар тегишлича алмаштирилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Қарори 1-иловасига тегишли тахририй ўзгаришлар киритилмоқда.

Ушбу ҳужжатнинг кучга кириши юқорида номлари зикр этилган қонунлар нормаларини бир-бири билан уйғунлаштириди. Энг муҳими, хусусий мулкдорлар фаолияти қўлланини кенгайтириб, уларнинг иқтисодиётдаги салмоқини ошириши ҳамда бу борада соғлом рақобат муҳити шаклланиши учун муҳим ҳуқуқий замин яратилди.

Қ. САНАҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Чехия ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбир икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, ёқилги-энергетика, банк-молия, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, озиқ-овқат, кимё, тўқимачилик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, электр техникаси, қурилиш материаллари, машинасозлик, фармацевтика, сайёҳлик, фан-таълим каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Н.Нажимов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг урчушуларидан эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Чехия Республикаси саноат ва савдо вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Милан Говорка Чехия Ўзбекистон билан барча йўналишларда ҳамкорлики изчил ривожлантириш тарафдорлари эканини алоҳида қайд этди. Ўзбекистон — Чехия иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги битимлар каби қатор ҳужжатларга асосланади. Бу борада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тизими жорий этилган. Мазкур комиссия мажлисининг мунтазам ўтказида келинаётгани ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликини мустаҳкамлашдан икки томон ҳам манфаатдор эканидан далолатдор.

Юртимизда хоржий сармоядорлар билан ҳамкорлик

да иш юритиш учун яратилган қўлай сармоявий муҳит, зарур шартот ва имтиёзлар, изчил давом этаётган хусусийлаштириш жараёни қўлбал давлатлар қатори Чехия ишбилармонларининг ҳам мамлакатимиз билан ҳамкорликка эътиборини тобора кўпайтирмоқда. Ўзбекистонда Чехия сармояси иштирокида йиғирмадан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатаётди. Улар озиқ-овқат ва гўшт-сут маҳсулотлари, кийим-кечак, қурилиш материаллари, дори-дармон ишлаб чиқариши ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларда иш юритилади.

Мажлисида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида фикр юритилди. Савдо, ёқилги-энергетика мажмуи, банк-молия, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, машинасозлик, электр техникаси, фан-таълим ҳамда сайёҳлик каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, Чехия компанияларини юртимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, қўшма корхоналар сони ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини кўпайтириш, биргаликда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Чехия делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ҳамкорликини кенгайтириш юзасидан музокаралар ўтказди. Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечириди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

24 соат ичида

Грецияда кузатилаётган ўрмон ёнғинларининг асосий ўчоқлари назоратга олинган. Маълум бўлишича, оловни баргараф этиш учун ўт ўчириш хизмати ходимлари уч кеча-кундуз кураш олиб боришган.

Ёнғинга қарши кураш давом этмоқда

Ёнғин сўнгги уч кун мобайнида 30 минг гектардан зиёд ўрмонзорнинг қилини кўкка совурди. Қолаверса, 150 дан ортиқ уй ёниб кетган. Мамлакат шимолда яшовчи минглаб одамлар бошпаналарини ташлаб кетишга мажбур бўлишган. «Тилсиз ёв»га қарши кураш давом эттирилмоқда.

Хунрезлик оқибати


Ироқнинг Кут шаҳрида кўпуровчилик ҳаракати содир этилди.

Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Портловчи қурилма иккита йўловчи ташиб автобусига ўрнатиб кетилган экан. Уларнинг ҳаракатга келиши оқибатида қучли портлаш юз берган. Хунрезлик оқибатида қарийб 20 киши ҳалок бўлган, 10 дан ортиқ одам тан жароҳати олган. Текшириш ишлари олиб борилмади.

Довул кучайиши мумкин

АҚШ бўронларни ўрганиш маркази томонидан маълум қилинишича, Тинч океанида яна бир довул юзага келган.

«Игнасио» деб номланган мазкур табиий офат ҳозир соатига 65 километр тезликда ҳаракатланмоқда. Марказ мутахассисларининг тахминича, у янада кучайиши мумкин.



Чилимнинг зиёни кўп

Буюк Британия олимлари олиб борган тадқиқот натижаларига қўра, чилим инсон организмига жиддий зиён етказиши аниқланди.

Маълум бўлишича, чилим чеккан одамнинг қонидан захарланиш миқдори юқори бўлади. Бир марта чилим тутатганлар сигарет чекувчиларга нисбатан организмлари тўрт-беш баробар кўпроқ зиён етказишар экан.

Хоржик матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРГА — КРЕДИТЛАР

Фаргона шаҳрида Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитарига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш мақсадига «Омонатлар ва кредитлар» мавзuida кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

У Ўзбекистон Банклари ассоциацияси, Марказий банк ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, вилоят банклари томонидан ушбу қарор ижроси изчил таъминланаётгани боис аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ҳажми тобора ошмоқда. Шу билан бирга, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими оммалашиб дораётди. Жорий йилнинг ўтган даврида 476 минг донадан

ортиқ пластик қарточка муомаласига чиқарилгани сўзимиз исботидир. Шунга мос равишда қўлбал терминаллар ўрнатилаяпти. Аниқроғи, бугунги

кунда уларнинг сони 3916 тага етказилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2200 тага кўпдир.

Шунингдек, айни пайтда банкотат, «инфоқосқа» сингари тўловнинг замонавий

усулларидан кенгроқ фойдаланила бошланди. Натижада 137 миллиард сўмлик тўловлар ана шу янги хизматлар орқали амалга оширилди. Уларнинг асосий қисми, яъни 123,8 миллиард сўми савдо терминаллари ҳиссасига тўри келиши эътиборга лойиқдир.

Тадбирда, шунингдек, аҳоли ва ҳўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини тижорат банкларининг депозитарига ҳамда айланмасига жалб қилиши рағбатлан-

тириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш борасидаги ислохотлар, тизимдаги янгиликлар ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Шу кун банклар томонидан тадбиркорлар, ишбилармонлар ва ҳўжалик субъектлари билан 200 га яқин истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш бўйича шартномалар имзоланди.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«АЛОҚАБАНК»
барча ҳамюртларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг камолот ёши — 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрамлари муносабати билан самимий муборакбод этади.
Она Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин!
Байрамлар муносабати билан сизларга куйидаги янги юқори фоизли омонатлар таклиф этилади:
«Алоқада Мустақиллик» омонати
Маблағлар 3, 6 ва 12 ой муддатга қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда берилади.
Ҳар бир омонатчи қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.
«Юбилей» номли бонусли омонат
6 ва 12 ой муддатга кўйилган маблағларга ҳисобланган фоизларни ҳар ойда олиш мумкин.
Омонат муддати тугаганда, кўшимча бонусли фоизлар тўланади.
Сизнинг омонатларингиз:
• солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
• маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
• эгаллик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини ўз ичтиёрингизда;
• миқдори чекланмаган.
Барча омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.
Хизматлар лицензияланган.
Кўшимча маълумотларни 252-78-86, 237-49-36 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган филиалидан олишингиз мумкин.
Юксакликка интилганлар учун!

ЮРТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ВА АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ ИНТЕРНЕТШНЛ»
Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонаси
имтиёзли тарифлар асосида халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув
ТЕЛЕФОН КАРТОЧКАЛАРИНИ тақдим этади.
Ушбу телефон қарточкалари орқали дунёнинг исталган нуқтасига кўнғироқ қилишингиз ва ўз яқинларингиз билан мулоқотда бўлишингиз мумкин.
Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув телефон қарточкаларини тарқатиш учун дилерлик фаолияти билан шуғулланувчи, юридик ва жисмоний шахс макомига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини ҳамкорлик қилишга таклиф этади.
МАНЗИЛ ВА МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй, (8-371) 214-63-53, e-mail: uzi.market@intal.uz

Завод ТЕМЗ изготавливаєт и реализует:
КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А
предназначен для строительного-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий
• Максимальная грузоподъемность — 8 т
• Максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)
• Максимальная высота подъема гоп. — 41,5 м, наклонно — 57,5 м
АВТОКРАНЫ: для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах
КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
• максимальная грузоподъемность — 14 т
• максимальная высота подъема — 14,5 м
КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
• максимальная грузоподъемность — 16 т
• максимальная высота подъема — 22 м
КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
• максимальная грузоподъемность — 25 т
• максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)
ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА
Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан 1997 йилдан буён ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ўзбек мумтоз мусиқа санъатининг довуруғини дунёга ёйишга хизмат қилди.

ОЛАМНИ МАФТУН ЭТГАН ФЕСТИВАЛЬ



Нуфузли анжуман баҳонасида қадимий шаҳар янада обод ва орас- та, гўзал ва фусункор, латофатли ва файзли масканга айланди.

Ҳар яна бағрини меҳмонларга, Шарқ мусиқаси усталари ва илҳосмандларига очди.

кенгайиб бораётганидан далолат беради. Мексика ва Коста-Рика давлатлари вакиллари бу йилги фестивалда илк бор иштирок этишмоқда.

«Шарқ тароналари — 2009»

жуманида учинчи бор қатнашаётган Бандар Абид. — Чикишларимиз муносиб баҳоланган. Бу гал ҳам халқимизнинг қадимий ва миллий санъат асарларидан намуналар тайёрлаб келганми.

миз таъбири билан айтганда, тўй тўйга улашиб, Самарқанд шаҳрида бошланаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бугунги байрам билан қўшилиб, уйғун бўлиб кетаётгани ҳам барчамизни қувонтиради.

— Регистонда ўтадиган ҳар қандай тадбир унинг салоҳияти, мўъжизавий қудратига монанд бўлиши керак, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Баҳоридин Йўлдошев.

Абдурауф САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг ўн тўққизинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

ПЕШҚАДАМЛАРНИНГ ТЎРТИНЧИ БАҲСИ

Таъкидлаш лозимки, жорий мавсум уйинлари муросасиз кучли рақиб остида ўтаётганлиги билан ҳам ишқибозларга манзур бўлмоқда.

Албатта, жамоалар ўртасида рақобатнинг кучайиши чемпионатимиз савиясини янада кўтаришга хизмат қилади.

	Ў	Ю	Д	М	Т	Н	О
"Бунёдкор"	20	20	0	0	61-7	60	
"Пахтакор"	19	13	4	2	42-8	43	
"Насаф"	19	10	4	5	28-16	34	
"Нефтчи"	19	10	3	6	29-18	33	
"Олмалиқ"	19	10	2	7	30-25	32	
"Хоразм"	19	7	5	7	20-23	26	
"Локомотив"	19	7	5	7	20-26	26	
"Қизилқум"	19	8	2	9	18-27	26	
"Динамо"	19	7	3	9	25-24	24	
"Андижон"	19	6	5	8	28-32	23	
"Навбахор"	19	6	4	9	17-26	22	
"Шўртан"	20	6	3	11	24-41	21	
"Сўғдиёна"	19	5	2	12	18-46	17	
"Машвал"	19	3	6	10	15-26	15	
"Бухоро"	19	4	3	12	23-38	15	
"Металлург"	19	2	7	10	18-33	13	

ҳумончиси Артём Филиппосян ўз жарима майдони ичига тўпни кўли билан тўхтаб қолди. Ҳакам томонидан белгиланган ўн бир метрлик жарима тўпни Ри- валдо беҳато бажариб ҳисобни очди.

қуруқ қолишлари мумкин эди. Аммо 85-дақиқада меҳмонлар вакили К. Исроилов ўн бир метрлик жарима тўпидан унум- лий фойдалана олмади.

Ҳамюртимиз муваффақияти

Коракалпоғистонлик Алибек Ибраймов яқинда Япония пойтахти Токио шаҳрида шотокан каратэ-до бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ЭЛ-ЮРТ АРДОФИДА

Ушбу қарорга мувофиқ, кунги кеча пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманида 2-болалар мусиқа ва санъат мактабининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

боллари, эстрада хонанда- лиги, тасвирий санъат ва хореография каби йўна- лишларда ёшларга сабоқ беришади.

сол қилиб келтириш мумкин. Дунёнинг бирор-бир мамла- катида кузатилмаган бундай тизимнинг ёшларимиз онги- га ижобий таъсир этаётгани бу борадаги ислохотларнинг самарасидир, албатта.

— Мусиқага ошно тути- ган болаларнинг тафаккур доираси, дунёқароши ҳам бошқача бўлади, — дейди мактаб директори Сайёра Одилова.

Ана шу иштиқ мени ушбу масканга етказди. Шерзодбекнинг ҳис- ҳаяжон билан айтган бу сўзлари бежиз эмас.

хеч қачон ҳеч биримизни бе- фарқ қолдирмаган. Негаки, ёшлар эртанги кунимиз, ке- лажгимиз ворисларидир.

Мазкур мусиқа мактаби 200 ўқувчи ўрнига мўлжал- ланган бўлиб, бу ерда му- сиқий таълим олиш учун зарур чолғу асбобларнинг барчаси муҳайё этилган.

Фарзандларининг эртасини ўйлаб, маънавият жаҳонига алоҳида эътибор берилая- ти. Бу ҳам ўзининг юксак самарасини кўрсатади, ал- батта.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

қуйдаги давлат активларини сотиб олиш юзасидан тўғридан-тўғри музокара олиб боришга таклиф этади. Сотувчининг номи ва почта манзили, унинг алоқа телефонлари ва телефакси: 130100, Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 63-уй, Давлат мулки қўмитаси Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси, электрон почта: www.gki.uz.

«Росагропромснаб» МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ҲИЖОЗЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗН филтрлари, ИЗО муфтлари

Маҳсулот сертификатланган.

Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мазееси, Ц. даҳаси, 6-уй. Мўлжал — Шўхрат дўғони жойлашган чорраҳа.

ОБ-ҲАВО (26 август)

Коракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб тура- да, ёғингарчилик бўлмайдми. Кечаси 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик кузатилмайдми. Ҳарорат тунда 12-17, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради. Кечаси 12-17, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ҳаво бўлгунли бўлади. Ёғингарчилик бўлмайдми. Ҳарорат тунда 12-17, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарь ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик кузатилмайдми. Кечаси 14-19, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда қиска муддатли ёғмир ёқиши мумкин. Тунда 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик бўлмайдми. Ҳарорат кечаси 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ООО "CHIRCHIK HEATING SYSTEMS"

ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ CHIS

ҚОЗОНЛАРИ

ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ

Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёқилги билан ишлайди

Т/ф: 8 (371) 416-90-06, 8 (371) 786-50-09, 8 (37071) 9-09-08. E-mail: chts.uz@mail.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача 233-10-60 236-09-25 232-10-63 242-хона

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрога Г — 703. 35388 нусxada босилди, ҳажми — 2 таб. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳои келишилган нарха.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-55-55; Котибхона 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тажрибанинг келган қўлмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реглама материаллари учун тақриб қилинган эмас.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41, ЎзА якуни — 21.10 Тошриқли — 00.40

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбачи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбачи муҳаррир — А. Болмас. Навбачи — М. Охунова. Мусаххих — Ш. Машраббаев.